



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqa boshlagan \* Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2019-yil 21-dekabr, shanba \* № 50 (1162)

### МОЛ ЎҒРИСИ ҲИМОЯГА ОЛИНДИ, НЕГА?

Тадбиркор эса... бир йилдан кўпроқ вақтдан буён сарсон-саргардон

Биз бир неча кун йўқолган молларимизни роса қидирдик, қидирганлар орасида шу атрофда мол боқиб юрадиган Шамшод Хайриев деган киши ҳам бор эди. Йўқолган моллар топилмагач, ноилж, Қоровул-бозор туман ички ишлар бўлимига ариза бердим. ➔ 4-бет



### ОЙНАДАГИ ДОҒЛАР

Ютуқлар қанча бўлса, бу — ўзимизники. Қолаверса, меҳмондўст, самимий, содда ва бағрикенг одамлар яшайдиган Ўзбекистондай юрт оламда ягона. Аммо дўст ачитиб гапирди, дейдилар. Энди дунёга буй кўрсатаётган мамлакатимизга юқорида тилга олинган нуқсонлар сира ярашмайди. ➔ 5-бет



### УМР НЕГА БЕРИЛАДИ?

Аммо ўша сиз билган, сиз таниган, ҳамкасб бўлган дўсту даврадош юрган, кун бўйи битта хонада ишлайдиган, битта товоқдан ош ейдиган қадрдонингизни бир олам ўй-ташвишлари, бир олам орзу-мақсадлари, сиру асрорлари бор. Айтмайди, ёрилмайди, дийдиё қилмайди — чиги ютади. ➔ 6-бет



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 20 декабрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига ташриф буюрди.

«Пулково» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Ленинград вилояти губернатори Александр Дрозденко ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этади.

МДҲ мамлакатлари етакчилари кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилади.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йилда Ҳамдўстликда Ўзбекистон Республикаси раислик қилади.

ЎзА.



### ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

#### Ўзбекистон «Йил мамлақати» мақомида

Буюк Британиянинг «The Economist» нашри аёнқавий тарзда ҳар йили демократия соҳасида энг катта ютуқларга эришган давлатни «Йил мамлақати» деб эълон қилади.

Мукофотнинг бу йилги умумий тахлилий ҳисоботида дунё мамлакатлари орасида миллатлар ва динлар ўртасидаги кучли зиддиятлар ҳукмронлик қилгани қайд этилган.

Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, минтақадаги энг катта қамқонанинг ёпилиши, хоржий журналистларнинг мамлакатга киришига кенг имкониятлар яратилгани ва қўшни давлатлар билан алоқани яхшилашда қатор чегара пунктларининг очилиши ушбу мамлакатнинг «Йил мамлақати» мукофотига сазовор бўлишига асос бўла олади», дейилади «The Economist» нашрида.

#### Учинчи буг-газ қурилмаси

НАВОИЙ. Президентимизнинг Японияга расмий ташрифи доирасида қўлаб келинувлар имзоланди. Кунҷик мамлакат Ўзбекистондаги қатор лойиҳалар, хусусан, ИЭСларни модернизация қилиш учун кредит ажратиши учрашувлар давомида айтилди.

Япония бош вазири Синдзо Абэ ОАВ учун ўтказилган брифингда мамлакат Навоийдаги янги ИЭС қурилиши учун иенада кредит берилишини маълум қилди. Ушбу кредит ҳисобидан «Навоий ИЭСни модернизациялаш» дастури доирасида юқори энергия самардорлигига эга бўлган учинчи буг-газ қурилмаси (Навоий-3) барпо этилади.

#### Урганчада янги институт

ХОРАЗМ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва «Узагротехсаноатҳолдинг» таркибидagi «Урганчориниш» акциядорлик жамиятининг Урганч шаҳрида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи Урганч Ranch технология институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги тегишли қарори лойиҳаси муҳокама учун жойлаштирилди.

#### Учта янги объект

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Тахтақўлир туманида қурилш ва таъмирлаш ишлари олиб борилган учта ижтимоий инфратузилма объектларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари БМТ Тараққиёт дастурининг «Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича қўшариклик фондини ташкил этиш орқали Орол фожиясидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш» қўшма дастури қўмағида амалга оширилди.


Лойиҳа доирасида Қорай МФЙ, Пурхон-ўзақ қишлоғида узунлиги 1,5 километр бўлган сув қувурлари «Туямўйин — Нукус — Тахтақўлир» марказий магистральга уланди. Бу орқали 250 киши тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ўз мухбирларимиз.

### Айтганча

Сўнги йиллари юртимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани барчанинг диққат-эътиборида турибди ва бу борада аҳолининг ўзига яраша ўй-фикрлари бор. Буни эса ижтимоий сўровлар орқали билиш мумкин. Бугунги кунда бундай сўровлар ўтказиш ҳам сифат жиҳатидан янгиланди.

## Сўров натижалари қандай бўлди?



Эртага — 22 декабрь куни юртимизда катта сиёсий жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази қошида ташкил этилган ушбу «Call-center» сайлов жараёнларида аҳолининг фикрини ўрганишга қаратилган олти босқичдан иборат «Сайлов — 2019» блиц сўровлар ўтказди. Сўров натижалари «O'zbekiston 24» телеканалда махсус рунда тайёрланган инфографикада доимий ёритиб борилди.

«Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ва қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида Ўзбекистон социологлари ассоциацияси ташкил этилди. Марказда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш учун «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси», «Кўнғироқларни қайта ишлаш маркази» ва Ўзбекистон

Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ва бошқа ахборотлари таҳлили йўлга қўйилди. «Ижтимоий фикр» марказида телефон ва интернет тармоғи орқали иж-

тимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатимиз ҳаётининг бошқа йўналишларига доир долзарб жорий масалалар юзасидан аҳоли ўртасида блиц-сўров ўтказадиган «Call-center» ташкил этилди.

### Уйғоқлик

#### Эртага сайлов!

22-DEKABR — SAYLOVLAR KUNI

Ватан тақдирига, халқ тақдирига, улғаяётган ёш авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ эмас. 22 декабрь — Янгиланаётган Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очадиган кун.

Танловимиз — келажакимизга пойдевор бўлиши мумкин. Муносиб номзодларга овоз бериш эса ҳар биримизнинг бурчимиз. Азиз Ватандошлар, айрим «уйқу»даги партияларни сергаклантиришга, миллат онгида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга лойиқ номзодларгагина овоз берайлик!

### Бизнинг суҳбат

## Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ: ИННОВАЦИЯ — барча соҳа учун биргек зарур

Бугунги тезкор давр жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг муносиб келажакини барпо этиш учун бу жуда муҳим.

Айни пайтда ҳар бир соҳа инновацион ғоя ва технологиялар асосида ривож топиши мумкинлиги ўз исботини топаётир.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ билан «Hurriyat» мухбирлари ана шу мавзуда суҳбатлашди.



Суҳбатдош ҳақида: 1992–1997 йили Тошкент давлат университетини тамомлаган. Биология фанлари доктори, профессор, академик. 2001 йили Америка Қўшма Штатларининг Техас қишлоқ хўжалиги ва механика университетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1993–1997 йиллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика институтида бошлаган. 2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири лавозимида фаолият юритмоқда.

### ОБУНА — 2020

Келгуси йил учун обуна бўлишга шошилинг!

Азиз юртдошлар, «HURRIYAT» га ошно юраклар — сеvimли нашрингизга обуна бўлинг! Вақт жуда оз қолди! «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.



# Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ: ИННОВАЦИЯ — барча соҳа учун бирдек зарур

← Иброҳим Юлчиевич, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 ноябрдаги фармони ҳамда ўша йили 30 ноябрдаги қарори асосида мазкур вазирлик иш бошлаганди. Фармонда янги гоёлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятдан етарлича фойдаланмаслик мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўқинлик қилаётгани қайд этилган ва шу билан боғлиқ кўплаб муаммолар санаб ўтилган. Утган вақт ичида мазкур муаммолар ечими борасида нималар қилишга улгурилди?

— Ҳақиқатан, соҳада муаммолар кўп эди ва бу қисқа вақтда осон ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Инновацион ривожланиш вазирлиги МДХ давлатларида ҳам, ўрта Осиё ҳудудда ҳам шу пайтгача бўлмаган. Бундай вазирлик Араб Амирликлари, Канада ва Янги Зеландия каби ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган. Юртимиздаги иқтисодий ўсиш етарли эмаслиги, инновацион иқтисодиётни давлатимизга олиб киришга бўлган эҳтиёж тўғрисида ушбу вазирлик ташкил этилди. Вазирликнинг асосий мақсади, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни юқори кўтариш. Мамлакатимиздаги энг катта муаммолардан бири ишлаб чиқариш билан илмнинг мувофиқ келмаслиги, узвийликнинг йўқлигида. Бундай муаммо фақат бизда бор, деб айтмайман, ривожланган давлатларда ҳам кузатилади. Бундан ташқари, илмий ишланмалар, ихтиролар кўп бўлган, аммо амалиётга таъбиқ қилинмаган. Илмий иш, албатта, тўғридан-тўғри иқтисодиётга йўналтириб бўлмайди. Лойиҳани стандарт ҳолга келтиргунча катта маблағ зарур бўлади. Шунинг учун тадбиркорлар илмий ишларни сотиб олишга ёки амалиётга қўллашга қўрқарди. Сабали, ҳали синовдан ўтмаган маҳсулотнинг сотилмай қолиши эҳтимол юқори бўлади. Ҳар битта янги ишланмани амалиётга қўллаш ва шунга монанд технология яратиш эса доим қийин бўлган.


Биз ишни инновацион ривожланиш стратегиямизга белгилаб олишдан бошладик ва бу осон бўлгани йўқ, албатта. 2018 йил сентябрь ойида уч йиллик стратегиямизни тўзиб, тасдиқладик. Унда асосий урғун инсон капиталига қаратдик. Стратегияда яна бир муҳим вазифамиз 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатга таркибига кириш этиб белгиланган. Давлатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этади. Асосий маблагни мана шу ёшлар инновацион ишларига йўналтиришни маъқул қўрдик. Ёшларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватласак, ривожлантирсак, уларга шариёт яратсак, эртага давлатга биз сарф қилгандан ҳам кўра кўпроқ фойда олиб келиши аниқ. Шунинг учун асосий эътиборни таълим тизимига қаратяёмиз.

Олдимизга қўйган асосий вазифаларимиздан яна бири илмий ташкилотларимизни ривожлантиришдан иборат. Чунки инновация айнан шу ерда яралади...

— Вазирлик илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона бюртмачиси ҳисобланади. Айни пайтга қадар қандай янги лойиҳалар устида иш олиб борилди ва борилмоқда?

— Аввало, "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида" ҳамда "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонун орқали республикамизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни тартибга солишнинг

қонуний асоси яратилди. Улар илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳуқуқий кафолатлаш, илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг сифати, самардорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шулар асосида, биринчи навбатда, фанни молиялаштириш тизимини ўзгартдик. Таълим соҳаси учун ажратилган ва уч-тўрт йилда бир марта ўтказила-сун грантлар учун танлов тизими бутунлай бошқача йўналишда туздик. Энди илмий лойиҳалар танловлари ҳар ой эълон қилинади ва голибларга лойиҳаларни амалга оширишлари учун пул маблағлари тақдим этилади. Аввал ихтиролар учун ажратилган пулларнинг ҳаммаси қоғоз билан бошланиб, қоғоз билан тугарди. Ҳеч ким олимларга илмни махсулот кўри-нишигача етказиш керак, деган талабни қўймадик. Илмий ишларнинг номлари аксарият ҳолларда "оптималлаштириш", "муқобиллаштириш", "тахлили" каби сўзлар билан тугарди. Эндиликда олимларга бўлган рағбат ҳам, эътибор ҳам ўзгарди, шу билан бирга илмий ишларнинг натижалари илмий ишланмага айланиши ва бу ишланмалар ўз навбатида тижоратлаштирилиб, мамлакатимиз иқтисодиётига фойда келтириши назарда тутилмоқда. Ҳозирда ҳар бир лойиҳа учун ўртача 500 миллион сўм миқдоридан пул маблағлари ажратилиб, шундан 40 фоизи моддий-техник базани ривожлантиришга сарфланмоқда. Олдинги эски тизимда олим бир миллиард сўм даромад олиб келадиган лойиҳани тақдим этган бўлса, 20 миллион сўм атрофида пул билан тақдирланарди. Кейинчалик ўша ишланмасидан қайта келадиган даромадга шерик ҳам бўлмадик. Эндиликда шундай имконият беряёмизки, олим ўзининг лойиҳаси асосида бемалол корхона ташкил этиб, унга раҳбар ҳам бўла олинсин. Муҳими, қайсидир соҳага янгилик, новаторлик гоёлари кириб келиши керак. Жорий йилда 116 миллиард сўм пул маблағи эвазига юздан ортиқ лойиҳаларни ишга туширдик. Қолаверса, "стартап" лойиҳалари молиялаштирилиб, илмий ишлар тўғридан-тўғри бизнесга йўналтирилмоқда. Кичик корхоналар янги, шу пайтгача республикамизда мавжуд бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, хизматлар кўрсатишни бошлади. Бундай самарали инновацион ишланмалардан бири — буғланишнинг олдинги олиш ва резервуарлардаги нефть маҳсулотларининг тўсатдан оловини ўчиришга мўлжалланган таксимланган сузувчи понтонлардир. Янги конструкцияли понтонлардан фойдаланилганда 2000 квадрат метр ҳажмли резервуарда йилга 240 тонна энгил углеводород тежаллади. Ҳозирда сузувчи понтонлардан фойдаланиш бўйича тажриба ишлаб чиқариш тестлари муваффақиятли ўтиб, улар "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг газ-нефтни қайта ишлаш корхоналарига жорий этилди. Бугунги кунга қадар 150 минг дон сузувчи понтон ишлаб чиқарилди ва бюртмачиларга етказиб берилди. Мана шундай иқтисодиётимизга фойда келтирадиган лойиҳаларга 30 миллиарддан зиёд пул сарфлаб, ўттиздан зиёд корхона ишга туширдик. Бугунги кунда биз пул сарфлаган корхоналар фойда кўра бошлади. Мисол учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Микробиология институтига "Green biotech" МЧЖ қўшма корхонаси инновацион компанияси томонидан "Fosstim" ва "Rizokom" деб номланган кучли био-ўғит ва биостимуляторларнинг янги авлоди яратилди ва уни тажрибавий ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Унинг ишлаб чиқариш қуввати 2 млн. гектардан ортиқ ерни таъминлашга этади. 2019 йилда мазкур биоўғитлар бугдой экинларида синовдан ўтказилиб, қутилгандан ортиқ ижобий натижалар олинди: кимёвий ва минерал ўғитлар сарфи қисқарди, тупроқ ва ўсимликларнинг фосфорланиш, шўрланиш, метатоксин билан



ифлосланган даражаси пасайди ва шўрланган ерларнинг унумдорлиги кўтарилди ҳамда атроф-муҳит ҳолати яхшиланди. Суғориш суви-нинг сарфи 30 фоизга камайди ва бунда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги 30-50 фоиз кўпайди. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг оширилишига олиб келди. Мазкур лойиҳани молиялаштириш учун 9,6 млрд. сўм инвестиция киритилган бўлиб, ишланмадан қутилаётган йиллик даромад 7,5 млрд. сўмни ташкил қилади. Ҳозир ФА Микробиология илмий тадқиқот институтининг ўртача йиллик даромади 472,5 млн. сўмликни инобатга олсак, инновацион маҳсулотдан олинмаган фойданинг кўламини тасаввур қилиш мушкул эмас.

Шу каби кўпгина инновацион гоёларни амалга ошириш учун Жаҳон банкидан имтиёзли, узоқ йилларга мўлжалланган 50 миллион долларлик кредит ажратилди. Ушбу маблағни тўғри тақсимлаб, соҳани янада ривожлантириш, Глобал инновацион индексга кириш олий мақсадимиздир.

Айни пайтда ҳудудлар ривожланишига тўқинлик қилаётган муаммолардан бири олимларнинг камлиги, етишмаслиғидир. Шунинг учун ҳудудий дастурларни ишлаб чиқдик. Ҳозир Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Навоий вилоятларида хусусий капитал асосида инновацион марказлар ташкил этишга киришилди. Энди ҳар бир ҳудуд ўз иқтидорли ёшлари билан ўзи шуғулланади. Молиялаштириш тизими эса маҳаллий ташкилот ва ҳокимиятларга юкланди. Чунки ҳар бир вилоятнинг ўз инновацион ҳудуди, иқтидорли ёшлари, олимлари ва энг асосий сифатли таълим тизими эга мактаби бўлиши керак...

— Бугун қайси соҳада инновацион гоёларга кўпроқ эҳтиёж сезилаётир?

— Инновация барча соҳа учун бирдек зарур. Чунки бир соҳа иккинчиси билан бевосита узвий боғлиқ. Улардаги ана шу боғлиқлик бир бутун бўлиб жамият ривожланади. Қисқаси, янги гоё ҳеч бир соҳа учун ортиқчалик қилмайди, аксинча. Илм-фан дейсизми, таълим ёки соғлиқни сақлаш тизимини, ҳуллас, энди кечаги эски тизим билан ишлаб бўлмайди. Масалан, қишлоқ хўжалиги тизимига кластерлар олиб кирилди. Шу боис, пахта, гуруч ва бугдойдан мўл ҳосил олинмоқда. Маҳсулотларимизни бемалол хорижа сота оляёмиз. Ёки Сирдарё вилоятда хорижий инвесторни жалб этган ҳолда "Пенг-шенг кластери", "Бек-кластер" негизда уруғчиликка их-

тисослашган кластерлар ташкил этилди. Наманган вилоятида эса "Момиқ сочиклар уруғчилик шифо-тери" фаолиятини йўлга қўйиш асосида қишлоқ хўжалигига хусусий инвестициялар жалб қилинди. Бошқа соҳалар учун ҳам ана шундай янгиликларга эҳтиёж бор.

— Ижтимоий соҳадаги ривожланиш, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига инновацияларни жорий этиш борасида қандай янгиликлар бор?

— Аввало шунга айтиш керакки, шу пайтга қадар олий таълим билан илм ўртасида узвий боғлиқлик бўлмагани учун биз кўп нарсани бой бердик, деб ўйлайман. Фанлар академияси билан олий ўқув юртлари бир-бирига уйғун бўлиб ишлаши зарур. Мана, бу-

поликлиниканинг аҳамиятли томони шундаки, масофадан туриб, пойтахтдаги энг малакали шифокорлар беморга ташхис қўя олади. Кейинчалик бу тизимни ҳам кенг йўлга қўймоқчимиз. Кейинчалик нафақат маҳаллий шифокорлар, балки хориждаги тажрибали мутахассислар ҳам масофадан туриб беморларга маслаҳатлар беришлари, узоқда жарроҳлик амалиётларида иштирок этишлари мумкин бўлади.

Бундан ташқари, вазирлигимиз ҳузурида Халқаро молекуляр алергология маркази фаолият қилмоқда. Вазирлик ҳузуридаги Халқаро молекуляр алергология марказида мавжуд 260 дан ортиқ алергенларни ДНК-чип технологияси ёрдамида таҳлил қилиш ва генетик паспорт бериш тизими йўлга қўйилди. Алергенларни аэробактериологик мониторинг тизими

миз ёшларининг жамоавий ҳисоб-да биринчи ўринни эгаллагани бизда иқтидорли ёшлар кўпчилигининг далоятидир.

Қолаверса, бугунги кунда вазирлигимизда 6 нафар хорижий маслаҳатчилар фаолият қилмоқда. АҚШ, Германия, Корея, Қозғистон, Австрия давлатларидан келган халқаро маслаҳатчилар доимий тарзда ўз мамлакатларидаги энг илғор инновацион техника ва ускуналар ҳақидаги маълумотни бизга етказиб туради.

— Охириги 25 йилликда давлатимизга инвестиция кириб келиши жуда қийин бўлган. Ишни бошлаган кезларингизда хорижий инвесторларни жалб қилиш осон бўлмагандир?

— Ҳақсиз, инвесторларни соҳага жалб қилиш фақат биз учун эмас, ҳамма соҳа раҳбарларига қийин бўлди, аслида бу ҳозир ҳам осон эмас. Чунки чет давлатлар шу йиллар ичида республикамиз рейтингини, олий ўқув юртларимиз, фанимиз ютуқлари, моддий-техника базамиз қай аҳволдалигини баҳолаб бўлмаган. Бу эса уларга инвестиция киритишга тўқинлик қилган. Шунинг учун ишни, энг аввало, норматив базамизни ривожлантиришдан бошладик.

2018 йилда Братиславада ўтган халқаро анжуманда Жаҳон банки мутасаддилари билан суҳбат чоғида улардан илм-фан натижаларини тижоратлаштириш учун маблағ сўрагандик. Улар "Фаолиятингизни кузатамиз" дейишди. Дарҳақиқат, бир ярим йил давомида ишларимизни, давлатимиз салоҳиятини кузатишди. Айни кунларда Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Жаҳон банки бир тўхтамага келиб, Ўзбекистон илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича лойиҳа тайёрламоқда. Лойиҳани молиялаштириш ишлари 2020 йилнинг бошидан бошланиши кутилмоқда. Январ ойидан бошлаб Жаҳон банкининг пул маблағлари илмий лойиҳаларни тижоратлаштириш, илм-фан ва саноат ҳамкорлигини ўзида мужассам этувчи ишланмалар молиялаштириш учун йўналтирилади.

— Бугунги кунда кўпгина соҳаларда муносиб кадрлар етишмаслиги сир эмас. Иқтидорли, ундабурон, кўп тилларни мукамал билладиган, иш юритиш қобилиятига эга кадрлар вазирликда етарлими?

— Кадрлар масаласи бизда ҳам муаммо. Вазирлик ташкил этилганидан бери кўп кадрлар ишга жалб қилинди, улар орасида талабларимизга жавоб бермаганлари ҳам бўлди. Инновация жиҳдий тартиб талаб этади. Бу ишда истеъдоддан ташқари интизом ҳам юқори бўлиши лозим. Биз ҳар кун илмий кадрлар билан ишлайдиган одамларимиз. Президентимиз айтганларидек, "Инновацияда бугун — муҳим. Эртага у эскириши мумкин". Дунё жуда тез ривожланмоқда. Бугунги кунда бир қадам олдинда юрмасангиз, кўп нарсадан беҳабар қолишингиз мумкин. Бизга ҳам бир қадам олдинда юрадиган кадрлар зарур. Ҳозир ўзимизда бор ёшларни тарбиялаётимиз. Соҳага кўниктирилди. Вазирлигимиз раҳбарлигидаги ўринбосарлардан бири Араб Амирликларида кадрлар билан ишлаш техникасини ўрганмоқда. Бизда ишлайдиган кадрлар "инновация офицерлари" бўлиши лозим. Бир сўз билан айтганда, "энциклопедик" кадрлар бизнинг ютуғимиз бўлади. Сабали, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалигида ҳам бирдек тафаккур қиладиган, билими, салоҳияти етарлиган ёшлар бўлиши лозим. Юқорида айтганимдек, вазирлигимизнинг иши мураккаб...

— Бугун вазирлар матбуотдан узоқлашиб кетди, деган қарашлар йўқ эмас ва бу қарашларда тўғриси айтганда лоф йўқ. Сиз бир вазир сифатида бу фикрни қандай ўхтайсиз?

— Мен матбуотга энг кўп интервью берадиган вазир бўлсам керак. ОАВга муносабатимни шундан ҳам билса бўлади. Мана, бугун матбуот хизматлари тақомиллаштириш, бизнинг матбуот қотибимиз ҳам ОАВда тез-тез чиқишимиз сўраб туради. Имкон қадар матбуотда чиқишлар қилишга ҳаракат қиламиз. Ўзбек матбуоти қатори хорижийкини ҳам ўқиб бораман. Олим сифатида қатор илмий журналларда муҳаррирман. Узим ҳам монографиялар ёзиб тураман. Қандай кўринишда бўлмасин оммавий ахборот воситаларини кузатиб бўлмаган раҳбар тўлақонли раҳбар бўлмайди...

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

"Hurriyat" мухбирлари  
Ҳолида ФАЙЗИЕВА  
ва Феруза РАҲИМОВА  
суҳбатлашди.

► Матбуот анжумани

Бундан бир неча йил олдин айрим жарроҳлик амалиётлари учун юртдошларимиз чет эллардаги шифохоналарга боришга мажбур бўлишарди. Тиббиётнинг ютуқлари ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарининг юртимизга кириб келиши натижасида эндиликда ўзимизда ҳам мураккаб операциялар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

## Ташхис қўйиш ва даволашда янги ютуқлар

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ОАВ учун «Касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий ҳамда инновацион усуллари қўллаш» мавзусида матбуот анжуманини ўтказди.

— Иختисослаштирилган тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизимини такомиллаштириш, профилактика ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини кучайтирмоқдамиз. Хусусан, қўшимча саккизта республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази онкология ва радиология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия, аллергия, неврология ва инсульт, нефрология ва буйрак трансплантацияси, наркологи, болалар хирургияси каби йўналишларда ташкил қилиниб, иختисослаштирилган тиббиёт марказлар сонини 18 тага етказилди. Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига 3,2 млн. АҚШ доллари, республика иختисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказига 2 млн. евро, республика иختисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказига эса 2,8 млн. еврога тенг юқори технологик



асбоб-ускуналар етказилиб, ишга туширилди, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсуфлиев.

Маълум бўлишича, иختисослаштирилган марказларнинг филиаллари ташкил этилиши натижасида вилоятларда 2019 йил 11 ойи давомида 2 400 дан ортиқ жарроҳлик амалиёти амалга оширилган, унинг қарийб 1 500 (55,5 фоизи) таси юқори технологик жарроҳликни ташкил этади. Натижада 2019 йилда 1400 га яқин беморга яшаш жойининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг республика марказига келишига ҳолат қолмаган. Республика иختисослашти-


рилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 230 дан ортиқ буйрак, 6 та жигар, Республика шохлининг тез ёрдам илмий марказида 68 та буйрак трансплантацияси операциялари ўтказилган, унинг туфайли 300 нафардан ортиқ фуқаронинг юқори технологик операциялар учун чет давлатларга чиқишининг олди олинган.

Бу янгиликлар яхши, албатта. Миллионлаб еврога олиб келинган замонавий тиббий жиҳозлар беморлар саломатлиги йўлида самарали ва адолатли ишлатиладими? Энди ҳамма гап шунда!

Феруза БЕРДИЕВА,  
“Hurriyat” мухбири.

## Уй-жойлар арзонлашадими?..

Бугун ҳар соҳада янгилик бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам катта ислоҳотлар кечмоқда. Аҳолининг эса уй-жойга бўлган талаби кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу шубҳасиз, соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлишини талаб қилади. Янги қурилиш топширилган уйлар бўйича гоҳ-гоҳида аҳолининг ҳақли эътирозлари ҳам ҳамон учраб турибди.



Айниқса, уйларнинг сифати нархига мос эмас деган ҳақли фикрлар билдирилмоқда. Бу борада юзга келган камчиликларни бартараф этиш тегишли ташкилотларнинг зиммасидир. Жумладан, қурилиш вазирлиги аҳолига сифатли ҳамда арзон уй-жойлар борасида қандай таклиф ва режалар ишлаб чиқмоқда? Хозирда соҳада тўғрилик қолган кўплаб муаммолар ечими қандай ҳал этилади? Ана шу масалалар юзасидан куни кеча қурилиш вазирлиги мутасаддилари журналистлар ва соҳадаги малакали мутахассислар иштирокида давра суҳбати ўтказди.

— Президентимизнинг ташаббуслари билан арзон, энергия тежамкор бўлган кўп қаватли уй-жойларни қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана бугун Тошкент шаҳри ва барча вилоятларимиздан салоҳиятли пудрат ташкилотлари мутахассисларини тадбирчиликка таклиф қилиб, уларни бир жойга жамладик. Тадбирда Туркиянинг “Меса” компанияси экспертлари тунал қилиниб, маналитли уйлар қуриш бўйича ўз тажрибалари билан

ўртоқлашишди. Тақдиротда илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали арзон нархдаги, энергия тежамкор уй-жойларни қуриш бўйича кенг маълумотлар берилди. Пудратчи ташкилотларимиз вакиллари эса бундан келгуси фаолиятларида асқотадиган кўплаб қимматли тавсияларга эга бўлишди — дейди Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов. — Ҳеч кимга сир эмаски, бугун дунёда энергия тежамкор уйларни арзон нархда ва тез фурсатда қуришга бўлган талаб кескин даражада ортиб бормоқда. Бунинг учун аввало, соҳа мутахассисларидан илғор инновацион технологияларни ўзлаштириш талаб этилади.

Хозирги кунда юртдошларимиз уй-жой харид қилаётганда хонадоннинг нархи унинг квадрат метри қанчаллигига қараб белги-ланяпти. Бизнинг максимал эса замонавий уй-жойларни энергия тежамкорлик даражасига қараб таснифлашдан иборат. Қўпинча маиший техникаларда А, Б, С, Д тоифадаги энергия тежамкорлик хусусидаги ёрликлар бўлади. Эндиликда

қуриб битказилган уй-жойлар аудитдан ўтказилгандан сўнг унинг сертификатига айнан мазкур жиҳати кўрсатилади ва табиийки, бино қанчалик энергия тежамкор бўлса, сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Бир сўз билан айтганда, кейинчалик қурувчи тадбиркорларимиз уй сотаётганда нархни бинонинг ҳажмига қараб эмас, балки унинг қанчалик замонавий қулайликларни ўзида мужассам этгани ва энергия тежамкорлик даражасига қараб белгилаши керак.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, унинг нархини чиқаришда бинонинг ташқи қисмидаги қурилиш материалларига ҳам эътибор қаратилади. Масалан, базальт ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Агар деворлар қурилишида айнан базальтдан фойдаланилса, бино пишиқ гиштли уйдан ҳам иссиқ ва совуққа чидамли бўлади. Шунингдек, бино ичидаги иситиш қозонлари ва шу каби техникаларнинг

энергия сарфи кескин қисқаради. Агар қурилишда базальтдан ўз ўрнида ва тўғри фойдаланилса, 40 фоизгача энергия тежамкорлигига эришилади. Аҳамиятлиси, бу турдаги уй-жойларни қуриш нисбатан арзонга ҳам тушади. Чунки унинг қурилишида асосан миллий маҳсулотлардан фойдаланилади.

Мутасаддиларга “Бу турдаги уйлар янада қимматроқ нархда бўладими?” дея савол бердик.

— Йўқ, асло ундай эмас, маналитли уйларни қуриш нисбатан арзонга тушади. Бунда таъкидлаганимиздек, асосий хомашё базальтдир. Қурилиш жараёни тезроқ, хомашё сарфи камроқ, сифат эса юқори даражада бўлади. Сирғали, Олмазор ва Чилонзор туманларида кўп қаватли кўплаб турар-жойлар билан солиштириб айтиладиган бўлса, таклиф этилаётган уйлар гиштликларидан анча арзонга тушмоқда — деди Ш.Ҳидоятлов.

Ўз мухбиримиз.

## ► Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси эътиборига

“...2018 йил 12 октябрда нархи 24 миллион сўм турадиган 1 бош ҳўкизим ва 6 бош қўй-эчкиларим ўғирлаб кетилди. Улар Украинадан сотиб олиб келинган зотли моллар эди. Ҳайрият, ИИБ ходимлари томонидан ўғри топилди... Бироқ орадан бир йилдан кўп вақт ўтаптики, менга етказилган зарар қопланмапти... Ўғри эса ҳеч нарса бўлмагандек бемалол юрибди...”

Бу гапларни тахририятга шикоят хати ёзган Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманидаги “Темир Мурод” фермер ҳўжалиги раҳбари, етмиш ёшли қоралаган Темир Муродов битган.

## Мол ўғриси ҳўмомояга олинди, НЕГА?

Тадбиркор эса... бир йилдан кўпроқ вақтдан буён сарсон-саргардон

Юз берган ўғрилик воқеаси туфайли шунча вақтдан буён адолат тикланмагани учун бўлса керак, унинг қўзлари анча сўлғин, маъюслиги яққол сезилиб турарди.

— Мен юртимизда фермерлик ҳаракати бошланган пайтда биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатганман. Фермер ҳўжалигимиз чорвачиликка иختисослашган. Хозирги кунда ҳўжалигимиз аъзолари билан 150 бош зотли сигир, 800 бош қўй-эчки боқамиз. Давлатга сут ва гўшт маҳсулотлари топширамыз, — дейди Т.Муродов. — Биз фермер ҳўжалигимизни яна кенгайтирмоқчимиз. Бунинг учун яқинда давлат дастуридан келиб чиқиб банкдан икки миллион сўмлик кредит олдик ва бу пулга Украинадан яна зотли сигирлар, қўй-эчкилар сотиб олдик. Вақилимиз бугун сотиб олинган мол-қўй, эчкилар вагонларга ортлаётгани ҳақида телефонда айтди.

У шу гапларни айтганда, юз-кўзларидаги сўлғинлик, маъюслик чеккинганини, қўзлари қувончдан чакнаб, кайфиятида кўтарини руҳ пайдо бўлганини сездим. Лекин мавзунини яна аризада кўрсатилган ўғриликка буришга мажбур эдим.

— Ўғирлик воқеаси 2018 йил 12 октябрда содир бўлган. Шу куни 3

бош беш ёшли эчки, 2 бош беш ёшли қўчқор, 1 бош жайдаги қўй ва 1 бош ҳўкиз ўғирланган. Уларнинг ҳаммаси наслдор бўлиб нархи баланд эди.

Биз бир неча кун йўқолган молларимизни роса қидирдик, қидирганлар орасида шу атрофда мол боқиб юрадиган Шамшод Ҳайриев деган киши ҳам бор эди. Йўқолган моллар топилмаган, ноилоҳ, Қоровулбозор туман ички ишлар бўлимига ариза бердим. Текширувлар натижасида маълум бўлдики, ўғирликни биз билан бирга йўқолган молларни “қидирган” Шамшод Ҳайриев содир этган экан. У бир неча кундан сўнг ўғирланган 24 миллион сўм турадиган бир бош ҳўкизимни қаердандир олиб келиб берди.

Шамшод Ҳайриевнинг отаси: “Биз Қоровулбозор туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ишонмаймиз, шунинг учун ўғлимнинг ишини тергов қилишни бошқа туманга ўтказиб беришингизни сўраймиз”, деб юқори идораларга хат ёзганлиги учун Шамшод Ҳайриевга тегишли жиноят иши Когон туманига ўтказилган...

Энди ҳужжатларга мурожаат қилайлик: мана қўлимизда Когон туман ИИБ бошлиғи подполковник



Н.Рўзиев томонидан 2019 йил 8 март куни тасдиқланган жиноят ишини рад қилиш ҳақидаги қарор: “Жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят ишининг Ш.Ҳайриевга нисбатан қисми материал тарихида алоҳида иш юритувга ажратилиб, маъмурий тартибда чора қўриш учун Когон туман ИИБ ХПБга топширилган.”

Жиноят ишининг “Темир Мурод” фермер ҳўжалигининг майда шохли молларини ўғирлаб кетган номаълум шахс аниқланмагани сабабли ҳаракатдан тўхтатилган...”

Ана холос. Шамшод Ҳайриев Қоровулбозорда тергов қилинганда майда шохли молларни ҳам, йирик шохли молни ҳам ўзи ўғирлаганини тан олган, ҳатто орадан

уч-тўрт кун ўтгач бевосита унинг ўзи ўғирлаб, яшириб қўйган жойидан ҳўкизини олиб келиб берган бўлса-ю, юқоридаги ҳўжжатда “номаълум шахс аниқланмаган”, деб кўрсатилганлигини қандай тушуниш керак?

Қисқаси, жиноят иши қутилмаганда маъмурий ишга айлантирилади ва Қоровулбозор судига қайтарилди. Қоровулбозор туман маъмурий судининг раиси Р.Кенжаев маъмурий ишни 2019 йил 16 сентябрда жабрланувчи Т.Муродовнинг иштирокисиз қўриб, ишни ҳаракатдан тугатиш тўғрисида қарор чиқаради. Ушбу суд эрталаб соат ўнда бошланган, суд мажлиси бўлиши тўғрисидаги чақириқ қоғози эса Т.Муродов хонадонига почтачи орқали соат ўн иккида етказилган.

роларимни, суд қароридан қоник-маганлигимни очик айтишим аниқ эди. У ҳолда Р.Кенжаев ўйлаган режасини амалга ошира олмасди.

Хуллас, Темир Муродов адолат юзига чиқмаётгани, молини ўғирлаган шахс етказилган зарарни қопламаётгани, у қилмишига яраша жазага тортилмаганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига ариза билан мурожаат қилганидан сўнг иш юзасидан текшир-текшир, бир-бирларидан маълумотлар сўраш ҳаракатлари бошланади. Шу жараёнда ишга алоқадор айрим маълумотлар юзига қалқиб чиқди.

Жумладан, Қоровулбозор туман маъмурий судининг раиси Р.Кенжаевнинг Когон туман ИИБ бошлиғи подполковник Н.Рўзиевга жўнатган 2019 йил 25 февралда 67-сонли хатда ҳамда Когон туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Б.Ярашевга 2019 йил 29 мартда шу ишга доир хатда эътиборга молик фактлар бор. Шу хатдан муктасар кўчирма келтирамиз:

“Иш ҳўжжатларига қўра, Ш.Ҳайриевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, мазкур жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ олиб борилмаганлигини, ишда гувоҳлар А.Итоласов, Б.Муротов ва Ш.Рўзиевлардан тушунтириш хатлари олинмаганлигини ва материалда мавжуд эмаслигини, суриштирув ҳаракатлари бир томонлама олиб борилмаганлиги сабабли фуқаро Ш. Ҳайриев томонидан 14.10.2018 йилда ёзилган ва туман ИИБ ходимлари томонидан олинган тушунтириш хатининг қўйимчасида ҳақиқатан ҳам сентябрь ойида Т.Муродовнинг оғилидан 3 та эчки(така)лар, иккита қўчқор ва битта она қўйини (совлик, Таҳ.) ўғирлаб сотиб, қарзларини тўлаганлигини ёзганлигини, туман ИИБ ходимлари томонидан у кимдан қарлиги ва пулларни кимга берганлиги тўлиқ текширилмаганлигини, аризачи Т.Муродов томонидан ёзилган ариза важдари тўлиқ текширилмаганлигидан далолат беради”.

Р.Кенжаевнинг хатини ўқиган ҳар

қандай одамда нима учун дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ олиб борилмаган, нима учун гувоҳлардан тушунтириш хатлари олинмаган ва материалда мавжуд эмас, нима учун Р.Кенжаевнинг ўзи 2019 йил 16 сентябрь куни ишни қўрганда ишдаги камчиликлар тўғрисида лом-мим деб оғиз очмаган, деган ҳақли саволлар туғилади. Бироқ қанча уринмайлик бу саволларга жавоб топа олмадик. Балки бу саволларга Қоровулбозор тумани ва Когон тумани ИИБ тергов бўлимасининг раҳбарлари жавоб беришар?

Нима бўлганда ҳам кимдир ёки кимлардир ўғирлик содир этган Ш.Ҳайриевни ўз панохларига олишганга ўхшайди. Бу ишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳам салмоқи “ҳисса”си борлиги шубҳасиз. 24 миллионлик зарар тўрт миллионга туширилибди. Молларни ўғирлашда “Лабо” русумли автомашинадан фойдаланилгани аниқланган бўлса-да, у кимга қарашли эканлиги ҳам очикланмаган. Бир катта ҳўкизини ва бир қанча қўй ва эчкиларни ўғирлашни эҳтимол Ш.Ҳайриевнинг бир ўзи эплай олмагандир, унинг жинорий шериклари бўлгандир? Шу масалага ҳам ойдинлик киритилган эмас.

Айтилганидек, ўғрилик содир этилганда ҳам қарийб икки йил бўлибди. Ҳалигача Т.Муродовнинг даъво қилишича унга етказилган зарар тўлиғича қоплангани йўқ. Ўғирлик жиноятини содир этган шахс эса кимларнингдир “панох”и-да ҳамон ялло қилиб юрибди.

Жиноятга панжа орасидан қараш келгусида янада каттароқ, янада оғирроқ жиноятга йўл очмайди, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди. Жазосиз қолган масалалар икки миллиард сўм кредит олиб фермер ҳўжалигини янада ривожлантиришга қаттиқ киришган Темир Муродовга ва у сингари чорвачиликни ривожлантириш билан кечаю кундуз шуғулланаётган инсонларга тинчлик бермаслиги аниқ. Тадбиркор эртанги кунга ишонч билан яшайи керак.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидаги мутасаддилар Қоровулбозорда юз берган ўғирлик ва унинг атрофидаги воқеаларга ҳуқуқий баҳо берадилар ва биз бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларида муштарийларимизга хабар берамиз, деб умид қиламиз.

Шавкат НОСИРОВ,  
“Hurriyat” мухбири.

► Тахририятга хат

Мен Канаданинг Нанаимо шаҳрида яшайман. Ванкувер Исланд университетда профессор, академик ва иммиграция масалалари бўйича маслаҳатчиман.

Яқинда Ўзбекистонга қилган сафарим таассуротларини билдириб, баъзи бир масалаларда юртдошларимиздан илтимос қилмоқчиман ва сўзларим оғир ботадиган бўлса, узр сўрайман.


# Ойнагаги ДОҒЛАР

Шу йилнинг ноябрь ойида бир неча кунга Тошкентга боришга тўғри келди. Она юртимга бормаганимга икки йилдан кўпроқ вақт бўлганди. 2017 йилда борганимда бўлаётган ўзгаришлардан олган яхши таассуротларим, ўша пайтдаги хурсандчилик, кўтаринки рух, шиддатли ўзгаришларнинг давомини қириш иштиёқида эдим. Минг афсуски, ҳафсалам пир бўлди.

Авалло, айрим юртдошларимда маданият савиясининг ниҳоятда пастлигини кўрдим. Ҳатто кап-катта инсонлар — 30-35 ёшга етиб, ўзлари ота-она бўлган қатламнинг жамоат жойларида ўзини тутиши мени уялтирди. Самолёт чипталарини Ванкувер-Сеул-Тошкент йўли билан олгандим. Йўл давомида ўнлаб ўзбек йигитлари ушбу самолётга чиқишди. Очиги, бу инсонлар қайси йўл ва қандай мақсадлар билан чет элларга чиққанлари менга қоронгу. Аммо бу қатлам вакилларининг кўп қисми маданият дарсларига муҳтожлиги йўл давомида яққол кўринди. Улар на диний, на дунёвий билимга эга экани мени таажубга солди. Ўзбекистондан бир қадам ташлаб ташқарига чиқиши билан ўша инсон миллат, маданият тарбиясига айланади. Уларга қараб бошқаларда ўзбек халқи маданияти ҳақида тасаввур ва тушунча ҳосил бўлади.

Самолёт Корея ҳаво йўллариники, бу мамлакат эса кўпмиллатли. Демак, йўловчилар орасида турли динга эътиқод қилувчилар бор. Бир ватандошимиз эса буни ҳисобга олмай, телефонга юкляб олинган намоз ўқиш тартибини баланд кўйиб эшитди. Ҳолбуки, динга эътиқод ҳар бир шахснинг қалби иши, уни бошқаларга кўз-кўз қилиш ва атрофда ўтирган бошқа дин вакилларини ноқулай ҳолга солиш ҳам маданиятсизлик эмасми? Енимда ўтирган йигитларнинг айримлари эса самолётда намоз ўқишди. Аммо уларнинг оғизга олиб бўлмайдиган баъзи қилиқлари бундай тоат-ибодатларини бир пул қилди.

Ишим юзасидан кўплаб мамлакатларда меҳнат сафарига бўламан. Очиги, Ўзбекистонга



қайтишда ҳар гал юрагим безиллаб туради. Сеул аэропортида ҳам худди шундай бўлди. Бу ерда юртдошимиз бўлган меҳнат мигрантларидан бири, чамамда 35 ёшлардаги йигит оёқда базур турадиган маст ҳолатда, уст-боши кир эди. У шу аҳолида аёлларга тегажоглик қила бошлади. Корейс аёллар уни ёнларидан ҳайдашди. Йўл давомида бу йигит яна йўловчиларнинг тинчини бузиб, самолётда (носвойи аэропортида тушиб қолган экан) сигарет тутатиб келди. Стюардессалар у билан кўп овора бўлишди. Буюм етмагандек, уочқ аэропортга тушиши билан ҳали катта тезликда қўниш майдончасида ҳаракатланаётган пайтдаёқ меҳнат муҳожирилари ўринларидан туриб, нарсаларини йиғиштиришга тушди. Хизматчилар такрор-такрор самолёт ҳали ҳаракатланаётгани, у тўлиқ тўхтагунча ўтириб туришларини сўраганига қарамай, қулоқ солишмасди. Охири, хизматчилар уларнинг ҳар бирининг олдига келиб, мажбуран ўтиришга ундай бошлашди. Уочқдан тушиш ҳам бундан баттар бўлди, десам ишонверинг. Ҳеч кимга, яъни на аёлларга, на ёши улуг одамларга, на ёш болаларга ҳурмат-иззат бор. Худдики қолиб кетишгаётгандек, ўзларини самолёт эшигига уришди. Яна бир гап. Ўзбекистонимиз-

ни туризм марказига айлантиришни оруз қилар эканмиз, хизмат кўрсатиш олий даражага кўтарилмоғи, кўчалар, йўллар тоза-озода, равон бўлиши шарт. Аэропортдан чиқаётби бир турк ишбилармони билан сўхбат курдим. Унинг аэропорт хизмати тўғрисидаги фикрлари билан кизикдим. У шундай жавоб берди: "Нималардир ўзгарган, аммо тафаккур, иш юритиш усули, туристга муносабат эски ҳолатда қолибди".

Канадада, ҳатто шаҳар ҳокимлари, бош вазир ўринбосарлари оддий халқ билан метрода, автобусларда юради, оддий самолётда "эконом класс"ларда учадилар. Шу тарзда халқнинг аҳолини билиб, шунга яраша иш тутадилар. Ўзбекистонда ҳам шу тартибни қўллаш вақти келмадимикин?

Тошкент шаҳри бўйлаб бир неча манзилларга боришга тўғри келди. Йўлимиз давомида



Канадада, ҳатто шаҳар ҳокимлари, бош вазир ўринбосарлари оддий халқ билан метрода, автобусларда юради, оддий самолётда "эконом класс"ларда учадилар. Шу тарзда халқнинг аҳолини билиб, шунга яраша иш тутадилар. Ўзбекистонда ҳам шу тартибни қўллаш вақти келмадимикин?

жума намозидан чиқаётганларни учратдик. Кўчма масжиди олдида ўтарканмиз, уларнинг ҳар бештасидан биттаси носвойини йўлга тупуриб, одамнинг таъбини хира қилади. Кўча-кўйда, бекатларда ҳам ёшларнинг худди шундай номаъқулчиликларига дуч келасиз. Менга қолса истанг масжидга боринг, истанг Ламборжини мининг, аммо сиздан илтимос азиз юртдошларим, ўзингизни тарбияланг, маданиятли, тоза нафасли, ширин суҳанли бўлинг.

Юртимиздаги янгидан-янги қурилиш иншоотлари, ободончилик ишларини кўриб, мамнун бўласан, албатта. Чет элларда яшаётган ўзбекистонликлар ҳам, албатта, бу ўзгаришлардан хурсанд. Шунга қарамай, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Биргина ички йўлларни олайлик. Транспортнинг

ҳар қандай турида ўнқир-чўнқир йўлларнинг аҳоли одами чарчатади. Транспорт бошқарувчиларнинг йўл қодаларига амал қилиши ҳам шунга ярашадек гўё — ўта бетартиб. Юртимизда турли автомобиллар ишлаб чиқарилиб, деярли ҳар бир хонадон уловли бўлди. Аммо кўп инсонларнинг рул бошқаришига қараб, эшакдан тўғри машинага ўтирган шекилли, деб ўйлайсан киши. Чунки уч полосали йўлда беш-олтиталаб машиналар тегилиб ҳайдашмоқда. Рулни бошқара туриб, машиналар ойналарида тупурилаётган носвойиларни айтмайсизми. Бу каби бетартиблик ва ўта антисанитария ҳолати туристлар кўзига қандай кўринишини тасаввур қилаверинг.

Ўзим ҳам 1992 йилдан буён машина ҳайдайман, Германия, АҚШда, ҳозир эса Канадада машина бошқараман ва бу жуда эркин ҳаракат. Тошкентда эса автомобиль бошқаришга қўрқаман. Чунки машиналар орасидаги масофани ярим метр қилиб, тегилиб келишлар оддий ҳол эканини кўрдим. Бундай ҳол Канадада 500 доллар ва ундан ортик жарима тўлашга олиб келади. Хавфсизлик камарини деярли ҳеч ким тақмагани ҳам мени ҳайрон қолдирди. Бу эса Канадада 167 доллар жарима солишга сабаб бўлади. Машина деразасида сигарет қолдиқлари, баклашкаларни йўлга отиш ҳам оддий ҳол эканини кўриб, ёқамни ушладим. Кичик машиналарда киракашлик қилиб оила тебратувчилар учун маълум бир тўхташ жойлари қуриш орқали тартибга солиш зарурлиги ҳам кўриниб турибди. Мутасадди ходимлар қаёққа қарашади ўзи?

Албатта, она юртимизда сўнгги уч йил давомида жуда кўп ижобий ишлар қилинган, сиёсат мутлақо яхши томонга ўзгарганини ҳамма кўриб турибди. Шу боис, шу юрт фарзанди бўлиб, ҳозир хоржида ишлаб, нега бунча ақл ўргатяпти ёки нега фақат камчиликларни ёзибди, нима яхши нарсаларга кўзи тушмабдим, дея эътироз билдирадиганлар бўлиши мумкин.

Ютуқлар қанча бўлса, бу — ўзимизники. Қолаверса, меҳмондўст, самимий, содда ва бағрикенг одамлар яшайдиган Ўзбекистондай юрт оламда ягона. Аммо дўст ачитиб гапирди, дейдилар. Энди дунёга буй кўрсатаётган мамлакатимизга юқорида тилга олинган нуқсонлар сира ярашмайди. Шундай эмасми?

Хуллас, бу камчиликларга барҳам бериш ҳаммамиз учун ўта зарур бундай ноҳуш ҳолатларга дуч келмайман деган умидданам. Ташқарига юртимиз ҳақида фақат яхши гаплар чиқишини истаймман. Юртдошларимга соғлиқ-саломатлик, ватанимизга ободлик ва файзу баракат тилайман.

**Маҳбуба ЭРҒАШЕВА,**  
Ванкувер Исланд университети Академик ва Иммиграция масалалари бўйича маслаҳатчиси.  
Нанаимо, Канада.

► Дунёда нима гап?

### 267 миллион фойдаланувчиси бор

"Facebook"нинг 267 миллиондан кўпроқ фойдаланувчисининг шахсий маълумотлари интернетда эркин фойдаланишга тушди. Бу ҳақда Британиянинг "Comparitech" тадқиқот компанияси маълум қилди.



Таъкидланишича, фойдаланувчиларнинг исмлари, телефон рақамлари ва бошқа маълумотларидан иборат базага исталган киши паролсиз ва рўйхатдан ўтмаган ҳолда эга бўла олади.

Тахлилчиларнинг фикрича, хакерлар бу маълумотлардан спам жўнатиш ва фишинг ҳужумларини амалга оширишда фойдаланмоқчи бўлишган. Кўп ҳолларда америкалик фойдаланувчилар маълумотлари ўғирланган.

"Comparitech"да аниқланишича, база вьетнамлик хакерлар томонидан шакллантирилган. 14 декабрда уни киберхавфсизлик бўйича мутахассис аниқлаб, бу ҳақда "Facebook"га хабар қилган. Айни вақтда базага кириш ёпиқ.

### ФХХ биноси олдида отишма



Москва марказида, Федерал хавфсизлик хизмати бош биносидан отишма уюштирган эркак бартараф этилди. Унинг шахси ўрганилмади. Бу ҳақда ФХХда маълум қилди.

носидаги отишма 19 декабрь соат 18 лар атрофида юз берган. Катта Лубянка кўчасида юз берган воқеа оқибатида ФХХнинг бир ходими ҳалок бўлган, яна икки ходими оғир жароҳат олган.

Отишма чоғида Россия хавфсизлик идоралари ходимлари кўни муносабати билан концерт бўлаётганди. Унда Россия Президенти Владимир Путин ҳам бор эди.

### "Financial Times" ўз талқинида йил одами

"Microsoft" бош директори, 52 ёшли Сатя Наделла "Financial Times" нашри талқинига кўра "йил одами" бўлди.



Нашр экспертларининг фикрича, Наделла "Microsoft"ни энг нуфузли компаниялар каторига қайтарди олди.

Асли ҳиндистонлик бўлган Наделла "Microsoft"ни "технологиялар соҳасида ишловчи компаниялар чўққисига қайтаришга" муваффақ бўлди.

Наделла компанияда 1992 йилдан буён ишлади. У компанияда бўлим бошлиғи ўринбосаридан бош директор лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

### Минглаб намоийшчилар ушланди



Ҳиндистон ҳуқуқ-тартибот идоралари фуқаролик ҳақидаги қонунга қарши намоийш ўтказишда тақиқни бузганлик учун минглаб одамларни ушлади. Бу ҳақда ВВС телеканали хабар берди.

Норозилик намоийшларига тақиқ Деҳлининг бир неча қисмида, Уттар-Прадеш ва Карнатака штатларида киритилган. Шунга қарамай, ўн минглаб одамлар Уттар-Прадеш, Бангалор, Ҳайдарабод, Патни, Чандигарх, Мумбай, Деҳли ва бошқа шаҳарлар кўчаларига чиқиб кетди.

Намоийшлар 12 декабрда фуқаролик ҳақидаги қонунга тузатмалар киритилиши сабабли бошланган. Тузатмаларда Ҳиндистонга қўшни давлатлар — Афғонистон, Покистон ва Бангладешнинг ўз ватанларида таҳрирлашга урғанган мусулмон фуқароларнинг Ҳиндистон фуқаролигини олиши имкони кўзда тутилган.

Ушбу тузатмалар ҳиндистонлик мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар энди ўзлари яшайдиган ҳудудларга миллионлаб бангладешлик муҳожирлар келишидан хавотирланишмоқда.

### 7 ойлик болакай АҚШдаги шаҳар мэри

7 ойлик Уильям Чарльз МакМиллан АҚШнинг Уайтхолл шаҳри (Техас штати) мэрига айланди. Энди у АҚШнинг энг ёш мэри ҳисобланади. Бу ҳақда "Indian Express" нашри хабар берди.



Болакай Уайтхолл мэри лавозимини у ҳар йили аукционга қўйилиши ва унинг оиласи жорий йилда у ачун энг катта сумма тақлиф қила олгани сабабли эғаллай олди. Аукциондан тушган пуллар хайрия мақсадларига йўналтирилади.

Болакай инаугурация маросимига уни асраб олган ота-онаси билан бирга келган. У қора смюкинда бўлган. Тадбир шаҳар жамоатчилик марказида 150га яқин одам иштирокида бўлиб ўтган.

Тадбирда иштирок этган қўшни Новасота шаҳар кенгаши раиси Жош Фульцнинг таъкидлашича, ҳар бир одам болакайни ўз бағрига босишга ошқан. "Ҳозир давлатимиз мураккаб даврни бошдан кечирмоқда ва мэр Чарли жамиятга тинчлик ва эзгуликни қайтаришга ёрдам беради", деб айтган Фульц.

7 ойлик мэр ота-онаси ёрдамида "Американи яна меҳрибон қиламиз" иборасини ўзига шиор қилиб танлаган ва қасамёд келтириб, унда мэр лавозимини виждонан бажаришга, болалар майдончасида ҳаммага меҳрибон бўлишга, шағал йўлларни яхши ҳолатда сақлашга, ўт ўчирувчиларга печенье олиб келиб туришга, энг катта лаққа балиқни тутишга ҳамда Уайтхолл аҳолисини ҳимоялаш ва асрашга ваъда берган.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

► Танлов

Президентимизнинг Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид имзолаган 2019 йилнинг 27 майдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўрта-маҳсус касб-ҳунар коллеж ва академик лицей ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган "Ёшлар Ватан хизматида ростгўйлик ва қонунларни ҳурмат қилиш тарафдорли" мавзусидаги ижодий ишлар республика кўрик-танлови ҳам ёшларнинг коррупциянинг салбий оқибатларидан хабардор этиш, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

# Ёшликда олган билим...

— Танлов ёшларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билимлари-

ни янада мустаҳкамлаш, уларни Конституция ва бошқа қонун ҳужжатлари-

га ҳурмат руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларни аниқлаб, жамият ҳаётида-



ги ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда ўз иқтидорлари ва ижод маҳсулларини намоийш этишлари учун имконият яратишга қаратилган эди. Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси катта прокурори Каримжон Мусасайхов.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган мазкур танлов Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Маънавият ва

маърифат маркази, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловга жами 200га яқин ижодий ишлар тақдим этилди, уларни баҳолашда мавзунинг мазмун-моҳияти тўла оғиб берилганлиги, плакат чизиш маҳорати, ранглардан тўғри фойдалана олиш, тасвирий санъат элементлари ва замонавий технологияларни қўллаш олиш қобилияти, плакатдаги мантиқийлик, иштирокчиларнинг дунёқарашини, фикрлаш доираси ва эътиборни жалб қила олиш хусусияти каби мезонларга алоҳида аҳамият берилди.

БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф институтлар орқали коррупцияга қарши курашиш" лойиҳаси доирасида ўтказилиб, молиялаштирилган мазкур танлов ғолиблари "Энг яхши плакат" ва "Энг яхши сурат" номинациялари бўйича ноутбук, планшет ва "Samsung Galaxy A70" смартфон билан тақдирландилар.

**Назokat ЮСУФНОВА,**  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи.

► Ҳаёт сабоқлари

Яқинда танишларимдан бири айтиб қолди. Олий таълим даргоҳида бирга ўқиган дўстини қидириб, уй манзили ёки қўл телефон рақамини олиш учун ишхонасига борса, у билан бирга ишлайдиган ҳамкасби, меҳмонга: “Э, эшитмадингизми ака, ахир у киши оламдан ўтди-ку” дебди.

# ЁЛҒОН ҳазил бўлолмайди

— Бирдан ич-этим музлаб кетди. Ҳа энди, узоқ йўлдан атай келдим, уйга бориб оила аъзоларига таъзия билдириб, кўнгил сўраб кетай дедимда, уй манзилини олиб, дўстининг уйига бордим. Дўстининг кекса онасига: “Онажон, бандаликда, дўстим яхши йигит эди”, деганини биланман, кўрсодимнинг онаси тўсатдан “Вой, боламга нима бўлди” дея, уввос солиб йиғлаб юборди. Шу пайт “оламдан ўтган” дўстим, чорбоғида ишлаётган экан келганимни эшитиб, менга кучоқ очиб кириб келса бўладими... Тилим калимга келмай қолди. Онажон менга бир ёмон қаради-ю хонадан чиқиб кетди. Кейин билсан, дўстининг ҳамкасби ҳазил қилган экан. Узим ҳам жуда ноқулай аҳволга тушиб қолдим, дейди у.

Ораимизда бу даражада бўлмаса-да, сал кўпроқ ҳазил қиладиганлар оз эмас. Айниқса, ёшлар ўзаро ҳазил-мутойибани жуда хуш кўришади. Билиб-билмай, анлаб-англамай ҳазил деб ҳар хил гапни, бўлар-бўлмас хабарни бир-бирига етказишга таниш бўлган ҳолларимиз кўп. Ноўрин ва ўнғайсиз ҳазиллар ҳақида буюк болларимиз ўз асарларида қатор мисолларни келтирадilar.

Масалан, Камолиддин Биноий ноўрин ҳазил ҳақида шундай ёзади:

*Сенинг жонингга хуш ётқан ҳазил,  
Ўзганинг дилига наштари қотил.  
Ҳа, юқоридаги мисолнинг яққол ифодаси бу. Ҳазил қобилига ўраб айтган юқоридаги ёлғон хабарни уйламай айтган одам меҳмон кетгач, ҳамкасбимни бопладим, — дея балки завқлангандир.*

Оқоридаги ҳолатда ким беиззат бўлди. Ёлғон хабарга ишониб узоқ йўлдан дўсти-

ни сўраб борган меҳмонми, ёки ёлғонни ҳазил ўрнида тўқиган тарбиясиз кимсани? Алал-оқибат нотўғри ва ноқоиз қўлланган бир оғиз сўз икки кишини бебурд, беқадр одамга айлангирди.

Ёлғонни ким гапирди? Биринчиси ганим, иккинчиси ўз фойдасини кўзлайдиган фирибгар. Учинчиси эса нодон.

Қадимги бир ривоятга кўра ҳинд рожаси 200 туяга олтин юклаб мана шу олтинларга 200 туя китоб олиб келинг дебди. 200 туя китоб келгач мулозимларга мана шу китобларни ўқиб, маъно-моҳиятини 20 туя китобга жойланг дебди. Улар бу топшириқни бажаришгач, энди шу китобларни ўқиб 2 туя китоб қилинг дебди. 2 та туя китобни маъносини эса 2 та китобга жойлашни буюрибди.

Олиму уламолар барча китоблар мазмун-моҳиятини ўқиб улар мазмунини 2 та китобга жойлагач, рожа айтибди. Қани шу иккита китобдаги маъноларни 2 та гап қилиб хулосани айтишлар-чи.

Улар шундай хулосага келибди: бу оламдаги барча яхшиликларнинг яхшиси яқинларингга яхшилик қилишда, ёмонликларнинг ёмони эса яқинларингга ёмонлик қилишда деган экан.

Хуллас, ёлғоннинг ҳазили ҳам ёки ҳазилнинг ёлғони ҳам бўлмағур натижа ва бемаза ҳосил беради.

Ёлғонлиги аввалдан маълум гапни ҳақиқат дейишдан ортқ ҳаёсизлик йўқ, дейилади “Кобусонома” асарига.

Дарҳақиқат, ҳазилнинг ҳам “зили” бор. Асалнинг ҳам ози ширин деганларидек, меъёрида бўлмаган ҳазил билан хурмат-иззатни йўқотиш ҳеч гап эмас.

Шухрат РЎЗИЕВ.



ЎЗА ФОТОСИ.

## Урф-одати бир-бирига яқин бўлган халқлармиз

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) амалдорлари ўрта таълим мактабида фаолият олиб бормди.

Кобаяши хоним 2014-2016 ва 2016-2018 йиллар мобайнида Нукус шаҳридаги 31-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида фаолият олиб бормди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаокани қабул қилиб, турли соҳаларда, шу жумладан, таълим соҳасидаги лойиҳаларни ўз ичига олган янги дастур бўйича ўзаро келишувга эришгани бизни

янада қувонтирди, — дейди Нукус шаҳридаги 31-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори Венера Қаленова. — Ўқувчиларимизнинг Япония маданиятига, тарихига ва тилига қизиқиши катта.

► Талқин

Янги йил келяпти. Ўз номи билан Янги йил. Ҳаш-паш дегунча умримизнинг бир йили ўтиб кетди. Албатта дуода айтилганидек, шу лаҳзаларда Сизга узоқ умр тилагим келди, умр ҳақида сўзлагим келди. Бир кун яшасанг ҳам умр, юз йил яшасанг ҳам умр, дейишади. Инсон умри тез ўтиб кетар экан. Ниҳоятда тез. Биз билиб-билмай, эътибор қилиб-қилмай қолар эканмиз бунга. Бугун борсан, эртани Аллоҳ билади. Борлигимизга, яшаётганимизга шукр.



Азиз замондош, юртдош, энг муҳими, биз — тирикмиз, биз — яшаймиз! Ҳа, дарёлар уйғок — «оби ҳаёт» шарқираб оқмоқда. Бобо Қўёш ўша-ўша: заминни нурга чулғамоқда. Ой-ю юлдузлар кўкда порлаб, оппоқ тонларни уйғотмоқда. Соат миллари «сақраб» кунни, кун ҳафталарни, ҳафта оиларни, ой йилларни, йил эса асрларни, замонларни қувмоқда. Демакки, умр ўтмоқда, умр! Ана шу талатўп замонда, ҳаётда Инсон борки, умр сарҳисобини қиялпти, умр дафтарига ниманидир, нималариндир ёзаяпти. Яшанинг ҳам, ёмоннинг ҳам умри ўтапти. Ҳа, бунга умр дейдилар, ҳаёт дейдилар! Узингизга бир савол бериб кўринг-да: «Бу ҳаётда энг тинч, хотиржам яшаётган одам ким?»

Бир сўз билан айтганда, барча, ҳамма дейишингиз

мумкин. Бир қарашда балким шундайдир. Аммо ўша сиз билган, сиз таниган, ҳамкасб бўлган дўсту даврадощ юрган, кун бўйи битта хонада ишлайдиган, битта товоқдан ош ейдиган кадрдонингизни бир олам ўй-ташвишлари, бир олам орзу-мақсадлари, сиру асрорлари бор. Айтмайди, ёрилмайди, дийдиё қилмайди — ичига ютади. Бундай одамлар: — умрини САБРга беради; — умрини ҚАНОАТга бағишлайди; — умрини УМИДга бергиси келади; — умрига ДУО билан умр қўшади; — умрини ЗИКР билан боийтади.

Бировга қарз бермаган, бировдан қарз олмаган одам бу — энг тинч, хотиржам яшаётган одамдир.

Бировга ёлғон гапирмаган, бировни фисқу фасод, ҳеч кимга ҳасад қилмаган одам бу — умрига умр қўшаётган одамдир, балким. Балки бировнинг дилини оғритмаган, бировнинг ҳаққини емаган одам ҳаётдан нолимайдиган одамдир. Бировни гийбат қилмаган, бировга хушомад қилмаган, бировдан манфаат кутмаган одам бу — нафси тўқ одамдир. Замона зайлидан, ҳаётдан нолиб, аламзада яшаётган одамлар қанчалар бахил, зикна, тор, хасис, миҳғов одамдир. Кўнгли хиралик, хижиллик, қоралик, зардобу мағзавалик улар хоббиси. Гўёки осмоннинг устун, ошпичоқнинг қини, кўрпачанинг енги, ҳовузнинг қопқоғи менда, менда бор, деб хушомад қилади ундайлар.

Эсимга тушиб қолди, Сау-

дия Арабистонига борганимизда Мадина билан Макка шаҳри ораси 300-350 км. экан. Сахро, дашту биёбон. Шундай катта масофанинг қоқ ўртасида йўл четига ўрнатилган паннода арабча ёзилган шиор ҳар қандай йўловчи диққатини ўзига тортади: «САБР, ЗИКР, ДУО».

Зеро, мавриди келганда ҳазрат Алишер Навоийнинг чўғ сатрлари беихтиёр дилимизга жо бўлади:

«Сабр — аччиқ, аммо фойда борувчи...»

Сабр — шодликлар қалитидир, бандларни ечувчидир.

Сабр — ўртоқдир, суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи.

Сабр — улфатдир, узокни кўзлаган, аммо охирида истакка етказувчи.

Сабр — уловдир, секин юрадиган, аммо манзилга элтгучидир.

Сабр — туядир, оғир қадам, лекин бекаатга олиб борувчидир».

Айтишларича, пайғамбарлардан бири жуда узоқ умр кўрибди — 950 йил.

Холбуки, ул зотнинг атиги бир кулбаси бўлган экан, холос. Ўзи зўрга сиғадиган. Энг ачинарлиси, бу улўғ зот шундай деган эканлар: «Агар мен шунчалик қисқа умр кўришимни билганимда мана шу кулбамни қурмаган бўлар эдим, хожати йўқ экан».

Биз нега дангиллама уйлар қуришда пойга, мусобақа ўйнаймиз? Ким ўзарга ўзимизни кўрсатишга, манманликка муккасидан кетган айрим кишилар ўзини ўтга-чўққа уриб, умрини қирқиб қўймаптимикин? Ўзингиз ўйлаб кўринг, қўниқўшни баҳс бойлашиб, 3-4 йил олдин қурилган бир яхши уйнинг томини бузиб, томини 1-1,5-2 метрга баландлатишдан нима наф бор?! Еки сендан мен баландман, устунман деганими бу?!

Ўзи инсоф берсин, ўзи зикр берсин!..

Собир ДАДАХЎЖАЕВ  
Фарғона тумани.

► Тафаккур

### Билимсиз киши нима гапирса...

*Шошқалоқлик, калтафахмлик, феъли тезлик одатлари нодонликнинг белгиларидир.*

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

*Барча инсонлар бир отанинг фарзанди бўлиб, шакл суратида бир-бирларига ўхшайдилар. Лекин улар ўзларининг табиатларида бўлган ўзаро рақобат ва бир-бирига ҳасад қилишдан ҳоли эмаслар.*

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

*Билимсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди.*

Аҳмад ЮГНАКИЙ.

*Тўрт нарса нодонликка далилдир: ўзидан донороқ билан мунозара қилмоқ ва синамаганга суянмоқ ва хотинлар макридан эмин бўлмоқ ва ёш болалар билан ҳазил қилмоқ.*

Ҳожа Аҳрор ВАЛИЙ.

*Чала билим эгаси бўлишдан кўра, бидмаслик афзалроқдир.*

Абу Али ибн СИНО.

*Ақлли кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паршон кишининг узридан афзалдир.*

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ.

*Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.*

Амр ТЕМУР.

*Ноқадан қарз-олма.*

МОТУРИДИЙ.

► Рассом хандаси



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.